

**“Gidromaxsusqurilish” АЖ**  
**акциядорларнинг навбатдан ташқари**

умумий йиғилишининг  
“18” 09 2020 йилдаги  
қарори билан

**“ТАСЛИҚЛАНГАН”**

*Б.Т. Амрӯқов*  
(Йиғилиш раиси Ф.И.Ш.)

**“Gidromaxsusqurilish”**  
**акциядорлик жамияти**  
**Тафтиш комиссияси тўғрисидаги**  
**НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар.
2. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби.
4. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Тафтиш комиссияси йиғилишлари.
6. Яқуний қоидалар.

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом “Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият деб номланади) тафтиш комиссияси мақомини белгилайди ва унинг ишини, комиссия аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига ва Жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

2.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат таркибда тафтиш комиссияси сайланади.

2.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтиб ўтиш керакки, айтиб ўтиш тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.3. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтиб ўтиш жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

2.4. Тафтиш комиссияси аъзосига берилган ваколат муддати давомида у ўз фаолиятини тўхтатмоқчи бўлса, Кузатув кенгашини ўз фаолиятини тўхтатишдан бир ой олдин огоҳлантиради. Ушбу ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзининг яқин йиғилишида тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиришни амалга оширади.

**3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ФАОЛИЯТ КўРСАТИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг



(акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

3.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

3.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

3.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

3.5. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини бажараётганда қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

- бухгалтерия ва статистика ҳисоботларининг юритилишини амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослигини таҳлил қилиш;

- жамиятнинг ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик-молиявий фаолиятини қонунчиликка ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини текшириш;

- жамиятнинг молиявий ҳолати, тўлов қобилияти, активлар ликвидлигининг таҳлили ва жамият иқтисодий ҳолатини яхшилаш чораларини топиш бўйича жамият бошқарув органларига таклифлар бериш;

- хизмат ва маҳсулотлар учун тўланаётган тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида тўланишини, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни, акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда бошқа масъулиятларнинг таъминланишини назорат қилиш;

- жамият балансининг тўғри тузилишини, солиқ инспекциясига ҳисоботларни, статистика ва давлат бошқарув органларига берилаётган ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш;

- молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатларига риоя қилинаётганлигини текшириш.

3.6. Тафтиш комиссиясининг хулосасисиз умумий йиғилиш бухгалтерия балансини тасдиқлашга ҳақли эмас.

3.7. Режадан ташқари тафтишлар тафтиш комиссияси томонидан беш фоиздан ортиқ бўлган оддий акция эгаси бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби ёки Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор бўйича амалга оширилади.

#### **4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Тафтиш комиссияси ўтказган текшириш натижалари бўйича хулосани жамият акциядорларининг умумий йиғилишига, ҳамда Кузатув кенгаши аъзоларига хабар қилади.

4.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлик жамияти бошқарув органларидан, унинг бўлимларидан, мансабдор шахсларидан тафтиш комиссияси фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш. Сўралган ҳужжат ва материаллар ёзма сўров берилган кундан кейин тафтиш комиссиясига 3 кун давомида тақдим этилиши керак;

- акциядорлик жамиятининг молиявий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш-хўжалик соҳаларида жиддий хатоликлар аниқланганда, жамият манфаатларига зиён этиш хавфи туғилганда ваколатли шахслардан жамият Ижро органи раиси масъул ходимлар билан оператив мажлис ўтказишни, Кузатув кенгашининг мажлисини чақиришни талаб қилиш;

- акциядорлик жамиятининг молиявий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш-хўжалик соҳаларида жиддий хатоликлар аниқланганда, жамият манфаатларига зиён этиш хавфи туғилганда тафтиш



комиссияси аъзоларининг яқдиллик овозлари билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

➤ эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар акциядорлик жамиятининг ишчи ходимларидан тафтиш комиссияси ваколатидаги масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришларини талаб қилиш;

➤ шартнома асосида ўз ишига акциядорлик жамияти штат жадвалида бўлмаган мутахассисларни жалб қилиш;

➤ жамият томонидан қабул қилинган Низом, йўриқнома ва қоидаларни бузганлиги учун жамият ишчи ва мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласини акциядорлик жамияти бошқарув органлари, унинг бўлимлари ва хизматлари олдига қўйиш;

➤ жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун (агар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилган бўлса) ҳақ тўланиши ва (ёки) Тафтиш комиссиясининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш. Бунда ҳақ Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзосига унинг Жамият фаолиятига қўшган ҳиссасидан (жамиятни молиявий-иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва бошқа масалалар бўйича киритган ёзма таклифлари, хулосалари асос бўлади) ҳамда йиғилишда бевосита иштирок этганидан келиб чиқиб ҳисобланади;

➤ жамият тафтиш комиссияси қонунчиликка асосан бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.3. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишига, Кузатув кенгашига, ижроия органига амалга оширилган тафтиш ва текшириш натижаларини ёзма шаклдаги ҳисоботлар, маърузалар ва хабарлар шаклида ўз вақтида етказиш;

➤ тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифасини бажариш давомида эга бўлган тижорат сирлари ва конфеденциал (сир) маълумотларни сақлаш ва овоза қилмаслик;

➤ мансабдор шахслар томонидан ўз мансабларини суистеъмол қилиши ёки акциядорлик жамияти манфаатларига реал хавфлар пайдо бўлган ҳолатда ваколатли органлардан навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилиш;

➤ Кузатув кенгашига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақирилишидан камида 10 кун кечиктирилмасдан йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботи бўйича ҳулоса бериш;

➤ жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

## **5. ЖАМИЯТ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ РАИСИ САЙЛАШ**

5.1. Жамият Тафтиш комиссиясининг раиси Тафтиш комиссияси аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ўз раисини Тафтиш комиссияси аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг раиси унинг ишини ташкил этади, Тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида маслаҳат овоз билан иштирок этади.

5.4. Жамият Тафтиш комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Тафтиш комиссиясининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5.5. Жамият Тафтиш комиссияси раиси комиссия иши ва фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

5.6. Жамият тафтиш комиссияси аъзоси комиссия аъзолиги даврида жамият фаолиятига ҳиссасини қўшмаган ёки йиғилишларда икки ва ундан ортиқ маротаба иштирок этишдан бош тортган, шунингдек йиғилиш баённомаларини имзоламаган ва ёзма ҳулосалар тақдим этмаган

тақдирда тафтиш комиссияси раиси ушбу комиссия аъзосини ўзгартириш юзасидан акциядорга таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

## **6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШЛАРИ**

6.1. Тафтиш комиссияси йиғилишлари белгиланган режа бўйича шунингдек тафтиш бошланиши олдидан ва текшириш натижалари бўйича ўтказилади.

6.2. Тафтиш комиссияси аъзоси тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарорларини талаб қилувчи ҳолатлар аниқланганида тафтиш комиссиясининг фавқулотдаги мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин.

6.3. Тафтиш комиссияси мажлисларини ўтказишда 65 фоиздан кам бўлмаган аъзолари ҳозир бўлганида мажлис ваколатли ҳисобланади.

6.4. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари йиғилишда ҳозир бўлганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлган ҳолатларда тафтиш комиссияси раиси овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

6.5. Тафтиш комиссияси аъзоси тафтиш комиссияси қарорига рози бўлмаган ҳолатда ўзининг норозилигини йиғилиш баёнида ақс эттиришни ва ушбу ҳолатни жамият ижроия органи, Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига етказишни талаб қилишга ҳақли.

6.6. Тафтиш комиссияси мажлисда муҳокама қилинган масалар бўйича баённома юритади, баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

6.7. Фавқулотда вазиятлар (эпидемия, пандемия, табиий офатлар ва бошқалар) вақтида Тафтиш комиссияси йиғилишлари видеоконференция алоқаси орқали ўтказилади. Видеоконференция орқали ўтказилган йиғилишларда Тафтиш комиссияси баённомаси йиғилиш раиси томонидан имзоланади ва унга Тафтиш комиссияси ҳар бир аъзосининг кун тартибига киритилган масалалар бўйича имзоланган хулосаси (электрон равишда юборилган) илова қилинади.

## **7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

7.1. Мазкур Низом ва унга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

7.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи раиси (директор) таклифига асосан киритилади.

7.3. Агар мазкур Низомнинг алоҳида моддалари амалдаги Қонунга ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки жамият Устави нормалари билан тартибга солинади.